

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЛАТИПОВА НОДИРА МУХТАРЖАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ВА БОЛАЛАРНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар
ва турмуш тарзи**

**социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
социологических наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of
Sociological Sciences (DSc)**

Латипова Нодира Мухтаржановна

Ўзбекистонда оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш

3

Латипова Нодира Мухтаржановна

Социальная защита семей и детей в Узбекистане33

Latipova Nodira Muhtarjanovna

Social protection of families and children in Uzbekistan64

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications

69

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЛАТИПОВА НОДИРА МУХТАРЖАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ВА БОЛАЛАРНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар
ва турмуш тарзи**

**социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида №. В2017.1.DSc/Sots3 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (fs-ik.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Холбеков Абдуғани Жуманазарович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Анвар
фалсафа фанлари доктори, профессор
Абдуазимов Оқилжон Уткурович
социология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Каримова Дилдора Мирсобитовна
иқтисод фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.30/20.2019.S.23.02.рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» куни _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, 408-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, ____ хона)

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди. (2020йил «__» _____даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

А.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, соц.ф.н., доцент

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, соц.ф.д., профессор в.б.

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган глобал жараёнлар ижтимоий соҳадаги тадқиқотларни жадаллаштирмоқда ва у жамиятни модернизациялаштиришни муҳим омилига айланмоқда. Ҳозирда бола нафақат махсус ҳимояга муҳтож объект сифатида, балки уни кўзда тутувчи ҳуқуқларнинг барча жиҳатларини ўзида жамлаган Инсон ҳуқуқлари Декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларнинг субъекти сифатида ҳам қаралмоқда (1989)¹. Ижтимоий масалалар тадқиқоти билан шуғулланувчи йирик замонавий тадқиқот марказлари ўз эътиборини бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бола унинг асосий эҳтиёжларини қондириш, нисбатан зўравонлик қилишнинг олдини олишнинг энг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш каби муаммоларга қаратмоқда.

Замонавий дунёда жаҳон ҳамжамияти болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, болалик дунёсини яхшилашга қаратилган кенг миқёсдаги самарали тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Бироқ, оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали технологияларини жорий қилиш жараёнида қатор концептуал ва амалий муаммолар ҳам кузатилмоқда. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: болани ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ягона стандартларнинг мавжуд эмаслиги; болаларни ҳимоя қилиш соҳасида давлат томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш тизимининг самарадор эмаслиги; эҳтиёжманд оилалар ва болаларга ёрдам кўрсатиш моделларининг ишлаб чиқилмаганлиги; ушбу соҳа мутахассисларининг, хусусан, ижтимоий ходимлар ва ижтимоий педагогларнинг етарли эмаслиги ва ҳ.к. Шу сабабли бугунги кунда дунёнинг етакчи марказларида оилалар ва болаларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Болалар ва аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам тизимини юзага келтиришда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Охириги йилларда аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мақоми оширилди, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш кўлами кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда инсон олий кадрият эканлиги, ушбу тамойил ҳозирги вақтда мамлакат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Одамлар эртага, узоқ келажакда эмас, балки айнан бугун ўз ҳаётларидаги ижобий ўзгаришларни кўришни хоҳлайдилар” деган тамойил

¹ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. БМТ Бош ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-Қарори билан қабул қилинган.

билан тасдиқланади. Ўз навбатида, мазкур жараён оилалар ва болаларни тизимли ҳимоя қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишга ундайди.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони (2017), 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси (1998), Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари кафолати ҳақидаги Қонуни (2008 й.), “Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-871-сонли Фармони (1994), “Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-3017-сонли Фармони (2002), “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3864-сонли Фармони (2007), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қариялар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-237-сонли Қарори (2015), “Аёлларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5325-сонли Қарори (2018), “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4782-сонли (2017) қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2018) Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мос.

Диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг II. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” илмий тадқиқотлар дастурининг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи².
Оилалар ва болалар билан ижтимоий иш олиб бориш соҳасидаги назарий

² Диссертация мавзуси бўйича илмий ишлар Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (URL:<http://who.int/ru>); UNICEF Болалар фонди (URL www.unicef.org); Ижтимоий ходимлар халқаро федерацияси (URL <https://www.ifsw.org/ru/join/>); ССОПваР (URL www.rusunisw.ru); ЮНЭЙДС (URL <http://www.unaids.org/ru/aboutunaids/unaidscosponsors/unicef> <http://ghrcca.columbia.edu>); Колумбия университети ижтимоий иш мактаби (АҚШ) (URL <https://socialwork.columbia.edu/>); Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлигининг ижтимоий кўмак кўрсатиш блоги NASW (URL www.socialworkers.org); Social Work Blogs and Websites (URL https://blog.feedspot.com/social_work_blogs/); Хоспислар ва палатив ёрдам Халқаро ассоциацияси (URL <https://hospicecare.com/about-iahpc/who-we-are/history/>); Social welfare (URL <https://www.bl.uk/social-welfare>) материаллари асосида ёритиб берилган. Даврий нашрларнинг етакчи рефератив базаларида ижтимоий иш бўйича нашрларнинг таҳлили амалга оширилган, жумладан:

тадқиқотлар ҳамда амалий ишлар тажрибасини умумлаштириш, муаммонинг назарий-методологик асосларини аниқлаш бўйича бир қатор халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва институтлар, хусусан, Oxford Policy Management (OPM), Халқаро реконструкция ва ривожлантириш халқаро банки, Болалар ҳуқуқи бўйича фанлараро тадқиқот Маркази (БХФТМ), Е.Б.Дональдс номидаги Фарзандликка олиш институти, Columbia University (АҚШ), Колумбия Университети қошидаги Марказий Осиёдаги Глобал саломатликни ўрганиш Маркази, Shifild University (Англия), Лондон Иқтисодиёт маркази (Англия), Бирменгемдаги Марказий Англия университети (Англия), Манчестер университети (Англия), шунингдек, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари бўлмиш UNICEF, ЮНЕСКО, шу жумладан Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (БССТ), Ижтимоий соҳа тадқиқотлар халқаро маркази ва Санкт-Петербург Давлат университетининг ҳамкорликдаги лойиҳаси, Россия Фанлар академияси Социология институти турли йўналишларда фаолият юритиб келмоқдалар.

Бугунги кунда оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тадқиқотлар назарияларининг концептуаллашганини кўришимиз мумкин. Жумладан, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муаммоларини фанлараро ва халқаро-қиёсий жиҳатдан ўрганиш йўлга қўйилган, айниқса, моддий таъминот, саломатлик ҳолати ва ҳимояланганлиги, таълим, хулқий муносабатлар ва хавфлар даражаси, кам таъминланган қатламларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ВИЧ/ОИТС, жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар, туберкулёз, гепатит С, гиёҳвандлик, озиқ-овқатларнинг етишмаслиги, руҳий саломатлик каби глобал характердаги қатор муаммолар ўрганилган. Бундан ташқари, етакчи илмий-амалий марказлар томонидан ижтимоий иш касби мақомини мустаҳкамлаш, унинг асосини ташкил этувчи профессионал кадриятлар, билим ва кўникмалар, фаровонлик даражасини ошириш, ижтимоий иш ходимларини тайёрлаш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида тадқиқотларнинг қуйидаги йўналишлари устувор ҳисобланади: болаликни ҳимоя қилишнинг асосий компонентларини ўрганиш, оилаларнинг моддий ҳолатини баҳолаш, оила ва болаларга давлат тамонидан бериладиган ижтимоий кафолатларни таъминлаш; мураккаб вазиятга тушган оилаларни қўллаб-қувватлашда давлат-хусусий шерикчилик стратегияларини ишлаб чиқиш; оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг энг мақбул усулларини излаш ва б.

интеллектуал марказ портали (URL <http://pro-spo.ru/biblioteki-zarubezhnyx-izdaniy>School); Online Journals and Forums for Social Workers (URL <https://mswonlineprograms.org/2012/20-best-online-journals-and-forums-for-social-workers/>); Research on Social Work Practice (RSWP) (URL <https://journals.sagepub.com/home/rsw>); Social Work Association of America (URL <https://www.sswaa.org/about>); ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги барча нарсалар (URL http://www.socialnaya-podderzhka.ru/knigi_po_socialnoj_podderzhke/); Санкт-Петербург Психология ва ижтимоий иш институтининг ўқув портали (URL http://www.socialnaya-podderzhka.ru/knigi_po_socialnoj_podderzhke/).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш жараёнида ижтимоий ҳимоянинг самараси ва натижадорлигини ошириш масалалари бўйича концептуал ва амалий йўналишларини ривожлантиришнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ижтимоий фаолияти, асарлари ва маърузаларига асосланади. Мазкур ишда кўтарилган муаммони тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг маъруза ва чиқишларида баён этилган фикрлар ва қарашлар, ғоялар муҳим ўрин тутди. Болалик муаммоларига социологик ёндашув XIX аср охири - XX аср бошларида ишлаб чиқилди. О.Конт, Г.Спенсер каби социолог олимлар оилани жамиятдаги ворисийликни таъминловчи ижтимоий институт сифатида ўрганишган. Тузилмавий функционализм тарафдорлари Э.Дюркгейм, Г.Спенсер, Т.Парсонслар эса оиланинг турли вазифаларини батафсил ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар. П.Бергер ва Т.Лукманлар институционаллаштириш назарияси доирасида тарбия тизимида мувофиқ равишда инсоннинг икки ёқлама табиати концепциясини ишлаб чиқиб, жамиятнинг аномия ҳолатини алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда воқеликни ижтимоий конструкциялаш механизмининг тадқиқ этганлар.

Таълим ва тарбия каби ижтимоий масалаларга оид назарий ва эмпирик йўналишларнинг ишлаб чиқилишида Суқрот, Арасту каби антик даврнинг буюк мутафаккирлари қарашлари, болаликни ижтимоий муносабатлар кесимида ўрганишга Ф.Бекон, М.Монтен, Д.Юм, Ж.Ж.Руссо, И.Кант ва бошқа олимлар муносиб ҳисса қўшганлар. Шунингдек Шарқнинг улуғ қомусий алломалари Абу Наср ал Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал Хоразмий, Алишер Навоий қарашлари катта аҳамият касб этган.

Ижтимоий ҳимоя тизими ва уни бошқаришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишда Э.Дюркгейм, М.Вебер, Т.Парсонс, Р.Мертон, М.Крозье каби социологларнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Шунингдек, ушбу тадқиқотда Н.А.Волгин, В.Г.Павлюченко, Б.В.Ракитский, В.Д.Роик, Г.В.Черкасская, Л.А.Орланюк-Малицкий, А.З.Дадашев, В.В. Радаев, И.В.Бушмарин, Л.С.Бляхман, Н.И.Гвоздева, Т.И.Заславская, Р.К.Иванов, В.Г.Костаков, А.Э.Котляр, В.Ф.Майер, В.Е.Маневич, Э.Р.Саруханов, С.С.Шаталин, В.Н.Ярская, Е.Р.Ярская-Смирнова ва бошқа МДХ олимларининг асарлари ҳам тадқиқ этилди³.

Ўзбек оиласи тарихи, оилавий ва ижтимоий турмушнинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одат ва маросимлар, ўзбек халқи оиласи шакллари тўғрисидаги кенг қамровли ва кўп қиррали характер касб этувчи тадқиқотларда аёлнинг оиладаги ўрни ва унинг ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатувчи омиллари таҳлил қилинган. Улар орасида З.Х.Арифханова, М.Бўриев, И.Шоймардонов, К.Насриддинов, З.Расулова, Р.А.Умурзакова, М.Холматова, Г.Б.Шоумаров, Н.Х.Лутфуллаева, М.М.Умарова, М.М.Алиева,

³ Изох: диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

М.Х.Карамян, С.В.Пшеничнаяларнинг⁴ тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик.

Р.А.Убайдуллаева, М.Б.Бекмуратов, М.Х.Ганиева, А.Ж.Холбеков, И.Саифназаров, А.С.Бегматов, А.Х.Саидов, Ш.М.Садыкова, Т.Б.Матибаев, Л.Р.Муминова, О.У.Абдуазимов, Ф. Саифназарова, Алимова В.С., Муминова Л.Р., Д.М. Каримова, Д.Г.Ташмухамедова, К.К.Каланов, А.Юнусов, М.К.Гаффарова, Х.Т.Хусанова⁵, каби ўзбек олимлари асарларида ёшлар

4 Арифханова З.Х. Современная жизнь традиционной махалли Ташкента. – Ташкент: Ўзбекистон, 2000; Arifkhanova Z.Kh., Abdullaev U.S. Traditional male and female uzbek associations at the end of the XX the century // International journal of Central Asian studies. – Seoul, 2002. – P. 41-52; Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995; Расулова З. Никоҳга қираётганлар ва ёш эр-хотинлар: қутилган ва реал ҳолат//Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. №3; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Шоумаров Ғ.Б.Оила психологияси. – Тошкент, 2001.; Шоумаров Ғ.Б., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. – Тошкент: Ибн Сино, 1994. 2-нашри. – 120 б.; Лутфуллаева Н.Х. Турмуш қурган талабаларнинг оилавий муносабатларга тайёрлигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари.: Психол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б.; Умарова М.М. Ўмирларда оилавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари.: Психол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004. – 27 б.; Алиев М.М. Культура общения и семейные отношения. – Ташкент: Ибн Сино, 1991. – 30 с.; Карамян М.Х. Ценностное отношение к здоровью. – Ташкент: Navro'z, 2018. 208 с.; Пшеничная С.В. Система социальной защиты в Узбекистане в условиях либерализации экономики. Молодой ученый. – 2016. – №13. – С. 493-495. – URL <https://moluch.ru/archive/117/32278/>.

5 Р.А.Убайдуллаева, М.Б.Бекмуратов Что мешает женщине, <http://www.centrasia.ru/>; Р.Убайдуллаева/М.Бекмуратов Глобализационные процессы и трансформация ценностей 01:48 18.12.2005 <http://www.centrasia.ru/>; Оила маънавияти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ижтимоий фикр, 2007. 9,56.т; Бекмуратов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Тошкент: Фан, 1999; Бекмуратов М., Юсупова Н. Маданият социологияси. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: Янги Нашр. 2010, 144 б; Убайдуллаева Р., Ота-Мирзаев О., Умарова Й. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлиги. – Тошкент, 2006. 5,3 б.т.; Ганиева М.Х. The Development of Social Work in Uzbekistan: Characteristics, Challenges & Successes. Social Work Education in Countries of the East: Issues and Challenges. London, New York: Nova Science Publishers, 2010; Ганиева М.Х. Современная семья в контексте модернизации общества. ЎЗМУ Хабарлари. 2013. №3. – С.4-7; Ганиева М.Х. Социальное сопровождение ребёнка с особыми потребностями. Организация оказания социальной помощи с участием ближайшего окружения семьи. – Ташкент: РЦСАД, 2016. – 76 с.; Ганиева М.Х., Каланова С. Ижтимоий соҳа ходимларининг касбий сўниш синдроми ва авлодлараро зиддиятларни баргараф этиш методлари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2016. – Б-59; ; Холбеков А.Ж. Бошқарув социологияси, Ўқув қўлланма. Тошкент: Akademiya, 2007; Холбеков А.Ж. ва б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004, – Б. 186; Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила ватан таянчи. – Тошкент: таълим Нашриёти. 2018. – 132 б.; Бегматов А.С. Маънавият фалсафаси ёхуд И.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Тошкент: Шарқ, 2000.; Саидов А. Основные направления социального партнерства в сфере защиты прав ребёнка. // Материалы международного форума «Социальное партнерства во имя ребенка: передовой отечественный и зарубежный опыт». – Ташкент, 25-26 ноябрь, 2014. – С. 17; Матибаев Т. Б. Ижтимоий ҳамкорлик. Ҳуқуқий давлат ва фуқоролик жамияти қурилишининг муҳим омили. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2012. – 240 б.; Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократизациялашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини шакллантириш омили. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – №2 (70). – Тошкент, 2016. – Б. 29-32.; Содикова Ш.М. Кексалик, маънавий мерос ва ижтимоий ҳимоя. – Тошкент: Akademiya, 2007. – 34 б.; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – 352 б.; Саифназарова Ф. Узбекская семья как национальная и общественная ценность: прошлое и настоящее. – Ташкент. 2014. – 216 с.; Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва оилавий қадриятлар. – Тошкент: YURIST-MEDIA MARKAZ. 2007.; Муминова Л.Р. Ривожланишда камчилиги бўлган илк ёшдаги балаларнинг сенсормотор ривожланиш даражасини текшириш ва ривожланиш. Методик қўлланма. – Тошкент. – 48 б.; Ташмухамедова Д.Г., Каримова Д.М. Ўзбекистонда ёш оила. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: Оила, 2019. – 128 б.; Ташмухамедова Д.Г., Каримова Д.М., Мавлонов Б. Современная семья в Узбекистане. Научно-методическое

муаммолари, оила, оила барқарорлиги каби муҳим концептуал муаммолар тадқиқ этилган.

Илмий адабиётлар таҳлили мазкур муаммо ҳар томонлама тадқиқ этиш зарур бўлган соҳа эканлигини кўрсатади. Аксарият тадқиқотларда оила ва болалар билан ижтимоий иш олиб бориш масалалари васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти технологиялари билан боғлиқликда ва бошқа ҳолатларда ҳаттоки, яхлит масала сифатида кўрилади. Шунга қарамай, социология, ижтимоий иш, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, психология ва педагогика каби турли соҳалар кесимидаги ушбу муаммо жиддий ва батафсил ўрганишни талаб этувчи масала доираси сифатида бугунги кун талаблари даражасида тизимли тадқиқ этилмай, реал ҳаётдан ва замон талабларидан анча ортда қолмоқда.

Айни вақтда, назарий ва экспериментал тадқиқотлар соҳасида орттирилган тажрибани болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш амалиётига қўшиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мазкур диссертацияда оилалар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини комплекс таҳлил қилиш, уларнинг таркибий қисмларини аниқлаш, оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя ҳимоя қилишнинг миллий тизимини шакллантириш жараёнларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқот мавзусининг тадқиқот ишлари бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш” ва илмий-тадқиқотлар режаларининг А-1-161 Ўзбекистонда замонавийлашув шароитида оила ва болаларни ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий ҳамкорлик масаласи» (2015-2017 йй.), Ф-1 «Имконияти чекланган болалар социомаданий мослашув тизимини такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари» (2017-2021 йй.) ва ПЗ-2017092819 «Аҳолининг заиф гуруҳлари учун талаба ёшлардан волонтерларни тайёрлаш ва такомиллаштириш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий ривожланиш жараёнларига комплекс ёндашуви асосида Ўзбекистондаги оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни тадқиқ этишга қаратилган ёндашувларни назарий таҳлил қилиш;

Миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, “Ижтимоий ҳимоя тизими” тушунчасини таснифлаш;

пособие. – Ташкент: Оила. 2019. – 136 с; Каланов К., Бердиева Г. Эндогамик оила. Никоҳ муносабатлари / Мустаҳкам оила барқарор жамият тараққиёти. – Тошкент, 2016. Б.140-145; Юнусов А., Фарходова З. Ижтимоий иш ходими: вазиятни баҳолай олиш қобилияти / Бола ва Замон. №4, 2019. – С.69Ғ71; Гаффарова М.К. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-кизлар мафкеи. – Тошкент: Янги китоб, 2017. – 288 б.; Таджиева. С.Х., Хусанова Х.Т., Мажидова Д.А. Кам таъминланган кўп фарзандли оилалар билан ижтимоий иш: тажриба ва амалиёт. – Тошкент: Фан ва технология, 2014.

Ўзбекистон фаровон оиласининг замонавий моделларини қиёсийтаҳлил қилиш;

болалиқни ҳимоя қилишнинг давлат томонидан тартибга солинишини асосий йўналишларига доир долзарб масалалар бўйича социологиянинг асосий вазифаларини белгилаш;

Ўзбекистонда оилалар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш имкониятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда ёшлар билан ижтимоий иш олиб боришни ривожлантириш ҳолатини ёритиш ва истиқболларини очиб бериш;

замонавий Ўзбекистонда ижтимоий етимликнинг асосий сабаблари ва омилларини асослаш;

васийлик ва ҳомийликнинг муқобил шаклларини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишнинг замонавий усулларини асослаш ва механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистонда оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ижтимоий жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг социологик жиҳатлари, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, бу борада давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни оптималлаштириш имкониятларини илмий-амалий асослашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тадқиқотнинг тизимли, тузилмавий-функционал ёндашув, меъёрий ҳужжатлар ва ижтимоий дастурларни тарихий, қиёсий таҳлил қилиш, вазиятни соҳалараро ёндашув асосида таҳлил қилиш (кейс-стади), шунингдек, сўровнома, чуқурлаштирилган интервью усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оила ва болаларни ижтимоий зарарли ташқи (маданий, сиёсий) таъсир омилларидан профилактика қилиш ва янги Ўзбекистон муҳотида инсонийлашган ижтимоий ҳимоя тизими (инклюзив ёндашув, ҳар бир шахсга ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, гўдақлар ва болалар ўлимини пасайтириш бўйича превентив ишни йўлга қўйиш, инсон капиталини ривожлантириш бўйича инвестиция самарадорлигини ошириш)ни жорий этиш йўллари очиб берилган;

ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар ва болаларни қўллаб қувватлаш учун ривожланган мамлакатларда апробациядан ўтган ва кенг қўлланиб келаётган бенефециарийлар (мулкдорлар, меценатлар, банкирлар, бадавлат шахслар)ни ижтимоий ҳимоя ва тараққиёт субъектларига айлантириш амалиётини мамлакатимизда жорий этиш имкониятларининг миллий-менталь хусусиятлари очиб берилган;

“ижтимоий ҳимоя” дискурсига оилалар ва болалар манфаатларини таъминлайдиган принциплар (универсаллик, ҳамжихатлик, тенглик, чекламаслик, адолат) асосида ёндашилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий хавфларни бартараф қилиш орқали меҳр-оқибатлилик

негизда интеграциялашган янги жамиятни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий ҳаракатлар йиғиндиси эканлиги илмий асосланган;

кундалик ҳаётда учрайдиган одатий ҳолатлар, ҳаётдаги фавқулодда, ностандарт ёки кутилмаган вазиятларда ижтимоий ёрдам тизимини ташкил этишнинг янги шакллари (қўллаб-қувватлаш хизмати, ахборот консултантив хизматларни ривожлантириш, инқирозли вазиятда психологик ёрдам кўрсатиш, оилада ҳаёт кечириш кўникмаларига ўргатиш) ишлаб чиқилган;

болаларни ижтимоий ҳимоялашда бошқарувнинг вертикаллик тамойили қўлланиб, давлат, ҳудудий ва маҳаллий даражалардаги бошқарув органларининг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш орқали турли нодавлат ва халқаро ташкилотлар (маҳалла, ЮНИСЕФ, РБИММ, маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органлари ва б.) фаолиятини уйғунлаштиришга қаратилган ижтимоий шерикчилик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасида оилалар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш, шунингдек Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини янада модернизациялаш бўйича амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги диссертациянинг социология фанида қўлланилаётган назария ва усулларга, тадқиқот предметини комплекс таҳлил қилишнинг тизимлилиги ва тўлиқлиги, эмпирик тадқиқотлар объектининг танланиши, унинг натижаларини мувофиқ равишда изоҳланиши, эмпирик тадқиқот объектини, унинг натижаларини илмий тавсиялаш ва таснифлаш, шунингдек ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган тавсиялар, таклифлар ва хулосаларнинг жорий қилиниши билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, ушбу ишда “ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий етимлик” тушунчалари ва “ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва болалар” тоифасини социологик талқин этилган, илгари сурилган концептуал хулосалардан “Ижтимоий иш назарияси”, “Ижтимоий таъминот ҳамда болалар ва ёшларни ҳимоя қилиш”, “Ёшлар социологияси”, “Ижтимоий ходимнинг ахлоқий-касбий кадриятлари”, “Ҳимояга муҳтож болалар билан ижтимоий иш олиб бориш амалиёти” каби ўқув фанлари бўйича олиб бориладиган назарий-эмпирик тадқиқотларда ҳам қўлланилиши мумкин. Диссертация материаллари шунингдек, ижтимоий иш, социология мутахассисликлари бўйича ўқув курсларида қўлланилиши, ижтимоий ҳимоя ходимлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш тизими тингловчилари ва ОТМлар талабалари учун дарс жараёнларида ҳам жорий қилиниши мумкин.

Таклиф этилган назарий ёндашувлар ва амалий ишланмалар ҳимояга муҳтож оилалар ва болаларга хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш имконини беради. Ижтимоий етимлик муаммоларини ҳал этишнинг муаллиф томонидан ишлаб чиқилган усул ва механизмлари

Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг оилалар, бола ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат ва ҳудудий дастурлар, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий соҳаси миллий лойиҳаларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

оила ва болаларни ижтимоий зарарли ташқи (маданий, сиёсий) таъсир омилларидан профилактика қилиш ва янги Ўзбекистон муҳиtida инсонийлашган ижтимоий ҳимоя тизими (инклюзив ёндашув, ҳар бир шахсга ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, гўдаклар ва болалар ўлимини пасайтириш бўйича превентив ишни йўлга қўйиш, инсон капиталини ривожлантириш бўйича инвестиция самарадорлигини ошириш)ни жорий этишга доир таклифлардан “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.02.2019 й. №ПҚ-4185-сонли Қарори лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Оила” илмий-амалий тадқиқотлар марказининг 2019 йил 27 февралдаги 201-сонли малумотномаси). Бу Ўзбекистонда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялашга доир ҳуқуқий-меъёрий базани бойитишга хизмат қилган;

ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш учун ривожланган мамлакатларда апробациядан ўтган ва кенг қўлланиб келаётган бенефециарийлар (мулкдорлар, меценатлар, банкирлар, бадавлат шахслар)ни ижтимоий ҳимоя ва тараққиёт субъектларига айлантириш амалиётини мамлакатимизда жорий этиш имкониятларининг миллий-менталь хусусиятларига доир хулосаларидан «Ижтимоий иш этикаси» ва «Этические принципы и ценности социальной работы» дарсликларини ҳамда «Социальное обеспечение и защита детей и молодежи» ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 89-03-2674-сонли хулосаси). Бу Ўзбекистонда “Ижтимоий иш” соҳаси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

“ижтимоий ҳимоя” дискурсига оилалар ва болалар манфаатларини таъминлайдиган принциплар (универсаллик, ҳамжихатлик, тенглик, чекламаслик, адолат) асосида ёндашилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий хавфларни бартараф қилиш орқали меҳр-оқибатлилик негизда интеграциялашган янги жамиятни шакллантиришга доир таклиф ва тавсияларидан Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2015 йилда чоп этилган “Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимига оид терминологик маълумотнома-луғат” ҳамда 2016 йилда чоп этилган «Социальная работа с семьями, имеющими детей с особыми потребностями» услубий қўлланмасини нашр қилишда фойдаланилган (Республика болалар

ижтимоий мослашув марказининг 2019 йил 4 февралдаги № 06/49-рақамли маълумотномаси). Бу эса, марказ ва унинг филиалларида меҳнат қилаётган ижтимоий иш ходимларига оила ва болалар билан ижтимоий иш олиб бориш самарадорлигини ошириш имконини берган;

“ижтимоий ҳимоя” дискурсига оилалар ва болалар манфаатларини таъминлайдиган принциплар (универсаллик, ҳамжихатлик, тенглик, чекламаслик, адолат) асосида ёндашилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий хавфларни бартараф қилиш орқали меҳр-оқибатлилик негизида интеграциялашган янги жамиятни шакллантириш борасидаги амалий тавсиялар ва таклифларидан Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустақамлаш концепциясини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “Йўл харитасининг” 28-қисмини амалга оширишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Оила” илмий-амалий тадқиқотлар марказининг 2019 йил 27 февралдаги 201-сонли малумотномаси). Натижада, 2019 йилдан бошлаб маҳалла, НТТ, ҳокимиятлар ва бошқа ижтимоий ҳимоя билан шуғулланаётган институтлар мутахассисларининг ижтимоий ҳимоя фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берган;

болаларни ижтимоий ҳимоялашда бошқарувнинг вертикаллик тамойили қўлланилиб, давлат, ҳудудий ва маҳаллий даражалардаги бошқарув органларининг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш орқали турли нодавлат ва халқаро ташкилотлар (маҳалла, ЮНИСЕФ, РБИММ, маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органлари ва б.) фаолиятини уйғунлаштирувчи ижтимоий шериклик моделидан Республика Болаларни ижтимоий мослаштириш марказининг “Создание единой системы по оказанию комплексных социальных услуг детям с особыми потребностями в региональных филиалах Республиканского центра социальной адаптации детей” мавзусидаги ККРНТ А-1-025-рақамли илмий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2019 йил 4 февралдаги № 06/49-рақамли маълумотномаси). Бу Фарғона ва Самарқанд шаҳарларидаги филиаллари ходимларида болаларга нисбатан амалга оширилган зўравонлик муносабати, хавфли гуруҳдаги болаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий иш усулларини қўллашга доир касбий тайёргарлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган, улардан 11 таси халқаро ва 9 таси республика конференцияларидир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 30 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола (7 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертация тузилмаси ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 274 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг назарий ва амалий аҳамияти асосланган, танланган муаммонинг илмий адабиётларда ўрганилганлик даражаси аниқланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг назарий-методологик базаси шакллантирилган, илмий янгилиги очиб берилган, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оила ва болаларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик ёндашувлари”** номли биринчи бобда “ижтимоий ҳимоя” тушунчаси ва унинг моҳияти, тузилмавий микроэлементлари, Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда оилалар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизимини шакллантириш зарурати кўриб чиқилган. Шунингдек, тадқиқотда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш генезиси назарий таҳлил қилиниб, унинг айрим таснифий хусусиятлари аниқланган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги тадқиқотларда қўлланиладиган асосий ёндашувлар: тизимли ёндашув назарияси ва институцион ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинган.

Диссертант тизимнинг асосий мақсади “фаровон оила” ва “болалик сифати” (жисмоний ва руҳий саломатлик, интеллектуал-таълим ва маънавий потенциал) эканлигини аниқлаган. Хавфсиз ижтимоий макон ва қўллаб-қувватловчи муҳитни яратиш орқали болалик хавфсизлигига эришиш муҳим натижалардан бири сифатида ижтимоий ҳимоянинг оралик мақсади эканлиги ишда тадқиқ этиган.

Диссертант ижтимоий ходимни тизимлар назарияси кесимида кўриб чиқар экан, мижозни ўраб турган бевосита маиший турмуш тарзидан то жамият даражасигача бўлган омилларни аниқлаган ҳолда, мижозга турли ижтимоий омиллар ҳамда бошқа одамларнинг ижобий ёки салбий таъсири мавжуд эканлигини асослаб берган. Бунда ижтимоий ходим мижоз билан биргаликда турли ҳолларда, айрим муқобил усуллар ёрдамида унга кўмаклашиши имконияти аниқланди.

Маълумки, “ижтимоий ҳимоя” тушунчасининг турли талқинлари мавжуд. Бироқ, ҳозиргача бу тушунчанинг таърифига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Шу ўринда “ижтимоий ҳимоя” тушунчасига аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳларини, жумладан, оилалар ва болаларни устун қўядиган универсаллик, ҳамжихатлик, тенглик, чекламаслик ва адолат принциплари асосида ҳосил қилинган таърифни келтириш мумкин: **“Ижтимоий ҳимоя Адолат ҳамда хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий хавфларни бартараф қилиш, уларнинг оқибатларини енгиб ўтиш учун**

муайян шароит яратувчи мураккаб институционал механизмларни ривожлантириш орқали интеграциялашган ва барқарор жамиятни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий ҳаракатлар йиғиндисидир”.

Хусусан, ушбу таъриф – бола тарбияси учун нафақалар, ижтимоий пенсиялар, солиқ имтиёзлари, озиқ-овқат учун субсидиялар ҳамда ривожланган ижтимоий хизматлар сингари муҳим элементларни ўз ичига олади.

Хорижий тажрибани ўрганиш, глобаллашув даврида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича етарли даражада кенг кўламли самарадор чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, дунё ҳамжамиятининг болалик дунёси ҳолатини яхшилашга фаол интилаётганлигидан далолат беради.

Тадқиқотда амалга оширилган таҳлил асосида болаликни ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли моделларини уч турга ажратиш мумкин: а) болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ривожланган Ғарбий Европа мамлакатларидаги модели; б) Болаликни ижтимоий ҳимоя қилишнинг АҚШ ва Лотин Америкасида амал қиладиган америкача модели; в) Шарқий Европа давлатларида (Марказий Европа, МДХ) татбиқ қилинган ўтиш модели.

Тадқиқотнинг “Модернизация шароитида оила ижтимоий сиёсат объекти сифатида” номли иккинчи бобида оиланинг моҳияти ва унинг жамиятдаги ўрни очиқ берилган, Ўзбекистон Республикасида оилани мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Замонавий Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш ва унинг ҳолатини яхшилаш муаммоларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Оилавий манфаатларни қондиришга қаратилган мақсадли, хусусан, соҳалар бўйича давлат дастурлари оиланинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Мамлакатимизда оила сиёсатининг амалга оширилиши қуйидаги вазифалар ечимига қаратилган⁶:

- Ўзбекистон Республикасида демографик вазиятни яхшилаш;
- эр-хотин жуфтининг онгли равишда икки ва ундан ортиқ болани дунёга келтириш, уларнинг ота-онаси бўлиш эҳтиёжини таъминлашга, репродуктив хулқни шакллантиришга имкон берувчи шароитлар яратиш;
- кўп болали оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни кучайтириш, оилавий фаровонликни босқичма-босқич рағбатлантириш, болали бор оилаларнинг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш, хусусан, болали оилаларни сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2018 йил, 3 февраль.

- мактабгача таълим муассасаларида янги ўринларни яратиш ва б.

Диссертацияда “фаровон ва фаровон бўлмаган оилалар” тушунчаси ва омиллари тадқиқ қилинган. Хусусан, бола ривожланиши учун қулай муҳит мавжуд бўлган оила фаровон, деб эътироф этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Тараққиётнинг замонавий босқичида оилада фаровон муҳитни яратишнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- Оила институтини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий оилавий кадриятларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оила, ота-оналар ва болалар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар мезонларини аниқлаш, шунингдек, жамиятда “Оила жамият ва давлат ҳимояси остида” деган конституциявий принципни кенг тарғиб қилиш ва жорий этиш.

- Оилавий фаровонликни рағбатлантириш ва оилаларнинг фаровонлиги даражасини ошириш, жумладан, уларнинг ўз-ўзини таъминлаши учун мақбул шарт-шароитларни яратиш.

- Сифатли мактабгача ва мактаб таълими тизимини яратиш ва такомиллаштириш.

- Ота-оналар қаровисиз қолган болалар миқдорини патронат кузатуви тизими ёрдамида кескин қисқартириш.

- Фарзандликка олиш амалиётини рағбатлантириш;

- Ота-она қаровисиз қолган болаларни патронат қўллаб-қувватлаш, оилани сақлаб қолиш ва болаларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий марказлар тизимини яратиш.

Диссертацияда давлат томонидан оила ижтимоий институтини сақлаш ва қўллаб-қувватлаш, ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашлари учун мақбул шароитларни яратиш, айниқса, оилаларнинг мураккаб ҳаётий вазиятга ва ижтимоий хавфли ҳолатларга тушиб қолишининг олдини олиш омиллари очиқ берилган. Юқорида келтирилган ҳолатлар Ўзбекистоннинг оилалар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги замонавий сиёсатининг асосий мақсадлари сифатида таҳлил қилинган.

Мазкур соҳа маҳалла фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Оилалар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш доирасида маҳалланинг ҳукумат ва давлат бошқаруви органлари, шунингдек, ННТ ва бошқа фуқаролик институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диссертацияда экотизимли ёндашув нуқтаи назаридан хавф гуруҳига кирган оилалар кейс-стади услуги орқали тадқиқ қилиниб, оиладаги болаларнинг номақбул шароитларда яшаётганлигининг қуйидаги омиллари таҳлил қилинган: иқтисодий, тиббий, демографик, ҳуқуқий ва психологик омиллар. Оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш бу соҳада ташкилотлар ўртасидаги ўзаро самарали муносабатларни яхшилаш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бу борадаги ижтимоий хизматларнинг йўлга

қўйишни заруратга айлантириши аниқланди. Бу каби ҳолатлар билан боғлиқ равишда болаларни Меҳрибонлик уйларига жойлаштириш, жумладан, ижтимоий етимликнинг олдини олиш масалалари экотизимли ёндашув нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилган.

Оила билан ижтимоий иш олиб боришнинг муҳим принциплари қуйидагилардан иборат: оила аъзоларининг шахсий имкониятларидан фойдаланиш ва уларни яхшилаш орқали оилага ёрдам бериш (ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш, ўзини ҳимоя қилиш, инқироздан қочиш кўникмаларини ривожлантириш); одамлар ва ресурсли тизимлар билан янги алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш (муаммоларни ўзаро муҳокама қилиш, уларни бошқалар билан ҳал этиш, ёрдам кўрсатувчи турли тузилма ва хизматларга мурожаат қилиш).

Диссертацияда оила институти, маҳалла ва Ўзбекистон SOS Болалар маҳалласи Ассоциациясининг ижтимоий етимликнинг олдини олишга йўналтирилган “Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш дастури” лойиҳаси доирасида 2007 йилдан буён амалга оширилаётган ижтимоий ҳамкорлик тажрибаси қиёсий ўрганилган. Шу билан бирга, диссертант томонидан Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва болаликни муҳофаза қилиш дастурларини амалга оширишнинг янги шакллари, усуллари ва механизмлари таклиф қилинган. Жумладан:

- оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш хизмати фаолиятини янги босқичга кўтариш. Мазкур хизмат ижтимоий етимликнинг олдини олиш, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларни аниқлаш масалалари билан шуғулланиб, болалар ва оилаларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатади, болаларни қабул қилувчи оилаларга жойлаштиришга кўмаклашади ва уларга психологик-педагогик маслаҳатлар беради;

- Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази. Марказ қошида болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминловчи маслаҳат-ахборот таъминотини, фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва аҳолини қабул қилиш, уни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ҳудудий ижтимоий сиёсатнинг мониторингини таъминлашни тақозо қилувчи Ахборот консультатив хизматларни ривожлантиришга ҳисса қўшади;

- ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, айниқса, қисқа муддатли инқирозли вазиятда психологик ёрдам кўрсатиш. Бунда мамлакатимизда Оилада зўравонликка учраган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишни қўллаб-қувватловчи маркази ташкил қилиш;

